

QORAQALPOG‘ISTON
RESPUBLIKASI
EKOLOGIYA VA
ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH
QO‘MITASI



QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI
EKOLOGIYA HÁM
QORSHAĠAN
ORTALÍQTÍ QORĠAW
KOMITETI

230100 Nókis qalasi, Tañ nuri №181-jay Tel: (361) 224-08-77, Faks: 224-19-51
el pochta: nukus@uznature.uz; rktabiat@exat.uz

2023 -jil “ 6 ” - aprel

№ 01-03/18-15-933

Nókis qalasi

Ўзбекистон Республикаси
Табиат ресурслари вазирлигига

Вазирликнинг 2023 йил 25-мартдаги 03-04/1-17-сон топшириғига асосан, 2023 йил 30-март куни “Zero Waste” Халқаро чиқиндисиз кун муносабати билан 2023 йил 3-апрел куни Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри “Ақ жағис” МФЙ ҳудуди Амударё дарёси ўнг қирғоғида Тахиатош, Хўжайли ва Нукус туманлари бўлимлари билан биргаликда тозалаш акцияси ўтказилди.

Ушбу акцияга шаҳар ва туманлардан атроф-муҳит тозалигига ўз хиссасини қўшиш мақсадида, Экология қўмитаси, Нукус шаҳри ҳокимлиги, Ободонлаштириш бошқармаси, Оролбўйи делта бошқармаси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ёшлар агентлиги, Алтернатив корхоналар ва маҳалла фаоллари катнашди.

Акция иштирокчиларига *Туркия томонидан иқлим ўзгаришига қарши кураш ва барқарор ривожланиш режалари доирасида тақдим этилган “Zero Waste” лойиҳаси БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинганлиги ва 30-март Халқаро тозалаш кун*и деб белгиланганлиги ҳақида тушинтириш ишлари олиб борилди.

Тадбир давомида йиғилган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун жами 10 дона махсус техникалар ва 100-110 нафар иштирокчилар жалб қилиниб, шу куннинг ўзида 22 тонна чиқиндилар полигонга жойлаштирилди.

Шунингдек, ушбу оммавий тадбир Кегейли тумани “Гужим терек” МПЖ 8-сон мактабда, Бўзатов тумани “Бўзатов” ПФЙ 1-сон мактабда, Қўнғирот тумани “Нукус эко сити” МЧЖ томонидан туман ҳудудида, Тахиатош тумани “Айдин жол” МПЖ “Баркамол авлод” маркази ёшлари билан биргаликда болалар оромгоҳида ўтказилди.

Ўтказилган тадбир мавзуси Қорақалпоғистон Республикаси “Телерадиокомпанияси”нинг “Хабар” телекурсатувида ва бошқа ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди. Жойларда тозалик ва ободонлаштириш ишлари давомийлик билан ташкиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Раис


М.Джуманиязов